



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

# “ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

мавзундаги республика онлайн илмий-амалий конференция

## МАТЕРИАЛЛАРИ

2021 йил 17-18 март. Бухоро

12. Mohanty, A. K. (1994). *Bilingualism in a multilingual society: Psychosocial and pedagogical implications*. Mysore: Central Institute of Indian Languages.
13. Ortega, L. (2008). *Understanding second language acquisition*. London, United Kingdom: Routledge.
14. Richards, J.C., & Schmidt, R. (2002). *Longman dictionary of language teaching and applied linguistics* (3<sup>rd</sup>ed.). Harlow, Essex: Longman.
15. Tarone, E. (2006). Interlanguage. *Elsevier*, 4, 1716-1719.
16. [www.bhamcityschools.org](http://www.bhamcityschools.org)

## THE IMPORTANCE OF ELECTRONIC TEXTBOOKS IN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE

*Turakulova Dilafruz Kahhorovna*  
*ESP Teacher of the Department of*  
*Foreign Languages in Humanities*  
*Bukhara State University*  
*Kurbanova Nigina*  
*Student of Philological Faculty*

**Abstract.** This article analyzes the role of distance learning in education and the use of e-textbooks in the form of distance learning, the advantages of these textbooks and at the same time the difference between e-books and ordinary textbooks.

**Keywords:** Distance learning, textbook, e-textbook, information, continuing education, development of information technology.

## ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Тўрақулова Дилафруз Қаҳҳоровна*  
*Гуманитар йўналишларда чет*  
*тили кафедраси ўқитувчиси*  
*Қурбонова Нигина*  
*Филология факультети талабаси*

**Аннотация.** Бу мақолада таълим соҳасида масофавий ўқитишнинг ўрни ва масофавий ўқитиш шаклида электрон дарсликларнинг қўлланилиши ушбу дарсликларнинг устунлик тарафи ва шу билан бирга электрон китобларнинг оддий дарсликлардан фарқи таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** масофавий ўқитиш, дарслик, электрон дарслик, ахборот, узлуксиз таълим, ахборот технологиялар ривож.

Ҳозирги кунда “Масофавий ўқитиш” атамаси нутқимизда кўп учрайди. “Ушбу атама аслида нима англатади?” деган саволга жавоб бериш вақти етмадимикан?

“Масофавий ўқитиш” бу - мамлакатда ва хориждаги кенг аҳоли қатламига махсус ахборот таълим оммаси ёрдамида тақдим этиладиган, масофада ўқув ахборотини алмашиш воситаси (телевидение, радио, компьютер алоқаси ва ҳоказо) асосидаги, таълим хизматлари мажмуасидир. Масофавий ўқитишнинг ахборот-таълим усули фойдаланувчиларнинг таълимий эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилган, тартибга солинган, маълумотларни етказиб беришнинг ташкилий воситалари, ахборот ресурслари, ўзаро муносабат баённомалари, аппарат дастурлари ва ташкилий-услубий таъминотининг бирлигини ташкил этади. Масофавий ўқитиш узлуксиз таълим шаклларида бири бўлиб, у инсоннинг таълим олиш ва ахборот тўплаш ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган. Масофавий ўқитишда, билим беришнинг ихтиёрий шаклини тушунамиз. Бунда ўргатувчи ва ўрганувчи замонда ёки маконда тарқоқ бўлади. Агар бу таърифга қўшилсак, унда индивидуализация элементлари йўқ бўлган “эски кадрдон” сиртки таълим - замонавий - масофавий ўқитишнинг намунасидир. Қандай қилиб, индивидуализация элементларини масофавий ўқитиш таркибига киритиш мумкин?

Замонавий компьютерлар ёрдамида ҳозирги вақтгача етиб келган, ахборот узатишнинг деярли барча шакллари самарали амалга ошириш мумкин. Масофавий ўқитишнинг анъанавий сиртдан ўқишдан фарқи “қоғоз ва ручка”нинг ўрнини компьютер, “каптар почтаси”ни эса Интернет бажаради. Мультимедиа компьютери бу - нафақат янги маълумотларнинг интеграллашган соҳиби, балки бу - “face to face” моделини тўла ва муқобил акс эттирувчи ускунадир. Шунини айтиш жоизки, фақат компьютерлар орқалигина, информацион-ахборот усуллари гипермедиага таянган ҳолда, амалга ошириш мумкин, бу ўз ўрнида, ўқитиш индивидуализациясини ташкил этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

“Электрон дарслик” нима? Унинг оддий дарсликдан фарқи нимада? Оддий дарсликдан фарқли ўлароқ, электрон дарслик ёрдамида сиз учун зарур маълумотни тез топасиз; матнни тушуниш учун берилган изоҳларни қайта-қайта муружат қилишда вақтни тежайсиз; матнни кўрсатиша, уни изоҳлаб бериш билан бирга яна бир қатор амалларни бажаради. Айнан шунда, мультимедиа-технологияларининг устунликлари ва имкониятларини яққол кўриш мумкин, улар шахсни маълум ихтисослик бўйича билимини тезкорлик билан текширишга имконият яратади.

Албатта, ҳамма нарсанинг ҳам ижобий, ҳам салбий тарафлари бўлиши табиийдир. Шу ўринда, электрон дарсликларнинг камчиликлари деб, маълумотни экрандан олишнинг ноқулайлигини айтиш ҳам мумкин. Зеро, матнни, маълумотни экрандан идрок этиш, китоб ўқишдан кўра ноқулай ва самарасизлиги бўлса, бошқа тарафдан электрон дарслик китобга қараганда қимматроқлигидир. Албатта, бу ҳам индивидуал бўлиб, шахснинг маълумотни қай ҳолда, қаердан олишини ихтиёрий равишда

танлашига боғлиқ. XXI аср - ахборот-технологиялар асри ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳамма соҳада жадалликни кузатиш мумкин. Бугунги кун замонавий таълим тизими ахборот-технологиялари ва компьютер телекоммуникацияларини фаол қўллаб келмоқда. Айниқса масофавий ўқитиш тизими тез ривожланмоқда, бу албатта, таълим муассасаларининг компьютер жиҳозлари ва Интернет тармоқлари билан таъминланишига имкон яратади.

Хориж тажрибасини ўрганиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин: ўқитувчи ахборот узатувчи ролида эмас (одатдагидек), балки маслаҳатчи, консультант, баъзан ҳатто ўрганувчининг ҳамкасби ҳам бўлиши керак. Бу эса ўз ўрнида ўқитиш жараёнида талабаларнинг фаол қатнашишлари, мустақил фикрлашлари, ўз нуқтаи назарларини ифода этишлари, реал ҳолатларни акс эттириш каби ижобий натижаларни беради. Ахборот-технологияларнинг ривожини, дарсни янги, масофавий ўқитиш шаклини амалга ошириш имконини яратди. Улар, биринчидан, юқорида таъкидланганидек, ўрганувчининг ўзига - дарсни ўқиш учун вақтни ва жойни танлашига, иккинчидан, айрим сабабларга кўра анъанавий таълим олиш шаклидан маҳрум бўлганлар учун таълим олиш, учинчидан, ўқитишда янги ахборот-технологияларни қўллашга имкон берса, тўртинчидан, қандайдир даражада таълим олиш ҳаражатларини камайтиради. Бошқа тарафдан, масофавий ўқитиш таълим индивидуализацияси имконини мустаҳкамлайди.

Масофавий ўқитиш шаклида электрон дарсликлар қўлланилиши ҳақида айтиб ўтилди. Фикримизча, ушбу дарсликларнинг устунлик тарафи биринчидан, уларнинг мобил-тезкорлиги, иккинчидан, компьютер тармоқларининг ривожланиши муносабати билан алоқа ўрнатилишининг осонлиги, учинчидан, замонавий илмий билимларнинг ривожланиш даражасига муқобиллигидир. Бошқа тарафдан, электрон дарсликлар яратиш, ахборот материалларининг доимий янгилаш муаммосини ечишга ёрдам беради. Уларда яна, жуда кўп машқ ва мисоллар, расмлар ёрдамида турли хил ахборотлар ривожланиш жараёни батафсил ёритилиши мумкин. Бундан ташқари, электрон дарсликлар ёрдамида билимни текшириш - компьютерда тестдан ўтказиш амалга оширилади.

Замонавий жараёнда масофавий ўқитиш, дунёдаги таълим шакллариининг энг машҳури ҳисобланади. Бугунги кунда, масофавий ўқитиш услубидаги университет ва коллежлар тармоқлари бешта қитъага ёйилган. Халқаро Ахборотлаштириш Академияси ташкил қилиниб, 1998й. эса унинг таркибида Умумжаҳон Тақсимланган Университети ташкил қилинди, у бугунга келиб, учта мамлакатда - Россияда, Қозоғистонда ва Белгияда қайд қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, электрон дарсликлардан фойдаланиш амалиёти, шуни кўрсатадики, талабалар баён этилган материални самарали ўзлаштиришяпти, буни тест натижалари тасдиқлайди. Шундай қилиб,

...борот-технологиялар ривожни янги услубларни таълим услубларида  
...атишни ва шу билан, таълим сифатини кўтаришга кенг имконият  
...радади.

### Фойдаланилган адабиётлар

Джаббарова Д.Ш. Внутрисемейные отношения и их влияние на развитие личности ребенка. Молодежь в науке и культуре XXI в.: материалы междунар. науч.творч. форума. Челябинск, 20–21 мая 2016 г. / Челяб. гос. акад. культуры и искусств; сост. Е. В. Швачко. – Челябинск, 2016. – Ч. 1. – 112 с. ISBN 978-5-94839-473-2 ISBN 978-5-94839-474-9

Джаббарова Д.Ш. ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА. У Ч Е Н Ы Й Х Х I В Е К А. Международный научный журнал. № 7-2 (42), июль 2018 г.

Jabborova D.Sh. THEORETICAL ASPECTS OF THE DEVELOPING LANGUAGE SKILLS. PEDAGOGIK MAHORAT. Ilmiy-nazariy y metodik jurnal № 2, 2018.

Jabborova D.Sh. IMPORTANCE AND DISADVANTAGES OF WORKING WITH TEENAGER STUDENTS. Middle European Scientific Bulletin, VOLUME 5, OCTOBER 2020. ISSN 2694-9970 <https://scholar.google.ru/scholar?oi=bibs&cluster=178551920542272534&btnI=1&hl=ru>

<https://scholar.google.ru/scholar?oi=bibs&cluster=135924451974899231&btnI=1&hl=ru>

<https://scholar.google.ru/scholar?oi=bibs&cluster=11774201323880708&btnI=1&hl=ru>

<https://scholar.google.ru/scholar?oi=bibs&cluster=10068233095847917&btnI=1&hl=ru>

<https://scholar.google.ru/scholar?oi=bibs&cluster=950604335546076&btnI=1&hl=ru>